
Ўзбекистон туманида қарздор ота фарзандининг 18 ёшгача бўлган алимент пулларини тўлиқ тўлади

Бюронинг Ўзбекистон тумани бўлими иш юритувида бўлган ФИБ Ўзбекистон туманлараро судининг 07.07.2022 йилдаги суд буйруғига кўра, қарздор О.Б.дан ундирувчи О.А.нинг фойдасига 1 нафар вояга етмаган фарзандининг таъминоти учун 06.07.2022 йилдан бошлаб, фарзанди вояга етгунига қадар ҳар ойда жами даромадининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундирилиши белгиланган.

Қарздор О.Б. вояга етмаган фарзандининг моддий таъминотини ўйлаб, 16.09.2022 йил куни ундирувчи О.А.га фарзанди 18 ёшга тўлгунигача бўлган давр учун ҳисобланган 172.221.008 сўм алимент пулларини олдиндан тўлиқ тўлаб берди.

Ундирувчи О.А. бюрога ариза билан мурожаат қилиб, фарзандини 18 ёшга тўлгунига қадар бериладиган барча алимент пулларини қарздор О.А. дан тўлиқ олганлиги учун ижро ишини амалда тамомлашни сўраганлиги сабабли ижро ҳужжати амалда тамомланди.

Мажбурий ижро бюроси Ўзбекистон туман бўлими

2022-09-21 19:34:44